

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИЛАР ТЕХНИК ИЖОДИЁТ МАРКАЗИНИНГ ФАОЛИЯТИ.

Шарх: мазкур ахборотда техник ижодиёт маркази ҳақидаги умумий маълумотлар жой олган. Марказ тарихига оди маълумотлар, ундаги тўғараклар ҳақида батафсил ёритилган. Марказ билан қизиқиб қолган ўқувчилар ушбу ахборотдан ўз саволларига батафсил жавоб олишлари мумкин.

* * *

1. Марказ 1928 йилда Содиқ Азимов кўчасида (Собиқ Жуковский кўчаси 4-уйда) учта Марказ яъни ёш саёҳлар ва экологлар билан биргаликда ташкил топган. 1934 йилда Ёш техниклар станцияси деб юритилиб, алоҳида ажралиб чиққ ан. 1948 йилда Народный комиссариат просве-щениесига қарашли “Ёш техниклар станцияси” деб номланиб, Энгельс кўчаси 10 - уйга кўчиб келган. 1954- 1968 йилгача Марказда Хабибуллин Михаил Григорьевич раҳбарлик қилганлар ва 1961 йилдан Ўзбекистон Республикаси маориф Вазирлигига қарашли “Ёш техниклар станцияси ” деб юритила бошлади. Унда 20 та марказ бўлиб , 1966 йил Ер силкениши туфайли Марказ Аэропланная кўчасига, 1974 йил Скверга (собик Кольцавой кўчасида), 1982 йил Эски жўвадаги Қора Сарой маҳалласида жой-лашган бинога кўчиб келган. Собир Раҳимов тумани, 3.Бобохонов кўчаси 13-А уйдаги мазкур 2 қаватли мослаштирилган Марказ биноси 1965 йилда қурилган бўлиб, 12 та тўғарак хоналари, 8 та маъмурий хона ва бўлимлардан иборат. Марказга ўқувчиларни қамраб олиш қуввати 720 ўринга мўлжалланган. Марказнинг умумий ер майдони 1350 м² дан иборат. Республика бўйича марказлар сони эса 148 тани ташкил этган . Марказда 1985-1986 йилгача “Ёш техниклар ва ишбилармонлар турнири”, 1986 йилдан “Техник ижодиёт кўргазмаси” ўтказила бошлади. 1990 йил иқтидорли болалар йиғма жамоаси Владивостокда авиомодел, ракетамодел бўйича ўтказилган турнирда 1-ўринни олиб , “Океан” болалар дам олиш оромгоҳида дам олиб келишган. 1991 йилдан бошалаб биринчи марта самолётсозлик техникумида “1- Иқтидорли бола-лар слёти” ўтказила бошланди. 1991 йил тўғаракларда фаол қатнашиб яхши ўринларни эгаллаган болалар Польшадаги “Иқти-дор” болалар дам олиш оромгоҳи дам олиб келганлар. 1994 йилдан бошлаб “Улуғбек авлодлари” “Коинот” фестивали ўтказила бошланди. 1993 йил Марказда радиоспорти тўғараги фаолият кўрсата бошлади. 1991-1993 йилларда “Ёш техниклар турнири” ташкил қилина бошланди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эриш-гандан сўнг, 1991 йилдан бошлаб Марказ Халқ таъ-лими Вазирлигига қарашли Республика ўқувчилар техник ижодиёт Маркази деб юритилиб келин-моқда. Ҳозирги кунда Республика бўйича 136 та техник ижодиёт Марказлари мавжуд бўлиб, уларга 97463 зиёд ўқувчи-ёшлар жалб этилган. Уларга 2573 педагог-ходим билим ва касб-хунар-ларини ўргатиб келмоқдалар. 2005 йилнинг декабр ойида 105 тўғаракка 1022 нафар ўқувчи қамраб олинган бўлса 2006 йилнинг апрел ойи ҳолатига тўғараклар сони 107 тани ва ўқувчилар сони эса 1047 нафарни ташкил этмоқда. Бу ўқув йилининг бошига нисбатан ўсиш даражасини 2,4% ни ташкил этади. Республика бўйича 117 та техник марказ ва унинг 19 та техник бўлимлари мавжуд бўлиб бугунги кунда уларда 2512 нафар педагог ходим ўқувчиларга таълим-тарбия бермоқда, тўғараклар сони 8973 тани, тўғаракларга жалб этилган ўқувчи-ёшлар сони 97918 нафарни ташкил этади. Тўғараклар уч йўналишда ташкил этилган:: техник, миллий хунармандчилик ва умумий турдаги тўғараклар. Бундан техник тўғараклардаги ўқувчилар

сони 42.104 нафарни(43%), миллий хунармандчилик йўналишидаги тўғарак аъзоларининг сони 41.100(42%) ва умумий турдаги тўғаракларга 10913 (15%) нафар ўқувчи жалб этилган.

2004-2005 ўқув йили “Мақтабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили” деб белгиланиб, умумтаълим мактаблари, маҳаллалар билан бошланган ҳамкорлик ишлари мазкур йилнинг давоми сифатида «2005-2006 таълим муассасалари, оила ва маҳалла ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш ўқув йилида” мактаблар, маҳаллалар билан ҳамкорлик ишлари янада яхшиланди ва бунинг натижасида мактаблар қошида 3.712 та тўғарак, унга 41.145 ўқувчи, маҳаллаларда 574 та тўғарак (6396 ўқувчи) ва 91 та тўғарак меҳрибонлик уйларида (1121)ташқил этилди ва ўсиш бўйича бу кўрсаткич ўтган йилига нисбатан 0,67 % ни ташқил этди.

Марказларнинг асосий мақсади, ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишларини ташқил этиш ва тўғаракларга жалб этишдан иборатдир. Тўғаракларга катнашиб ўз ишининг устаси бўлгач, улар тадбирларда, кўргазма ва спорт-техника мусобакаларида ўз маҳоратларини синаб кўрадилар. Халқ таълими Вазирлиги, Республика ўқувчилар техник ижодиёт Маркази томонидан хар йили куйдаги тадбирлар ўтказилиб келинади.

“Варрақлар” байрами

“Сехрли ёгду” кино-фото хаваскорлар фестивали

“Хар бир болага бахт улашайлик” шиори остидаги кўрик-танлов

Иқтидорли болаларнинг Ёзги “Агроистеъдод” мактаби

Республика “Илмий техник Ижодкорлик танлови”

“Авиамодел” мусобакаси

“Автомодел” мусобакаси

“Автокўпураш” мусобакаси

“Картинг” мусобакаси

“Кемасозлик” мусобакаси

“Ёш фазогирлар” мусобакаси

Ушбу тадбирларни хар йили ташқил килиш ва ўтказишда, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни ривожлантириш мақсадида турли жамғармалар, Давлат ва нодавлат ташқилотлари билан: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги, Давлат Патент идораси, Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий харакати, Ўзбекистон Республикаси “Камалак” болалар ташқилоти, Ўзбекистон Республикаси “Болалар спортини ривожлантириш” жамғармаси, Тошкент Давлат Техника Унверситети, Ўзбекистон Кино – видео хаваскорлар жамияти, Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпаниясининг “Янги авлод” студияси, “янги авлод” клублари, “Бунёдкор” ёшлар телеклуби, “Мирзо Улугбек” номли маданият ва истирохат боғи ходимларининг ҳиссалари бекиёсдир. Республика миқёсидаги тадбирларни халқ оммасига етказишда эса Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлиги, “Маърифат”, “Учитель Узбекистана”, “Тонг юлдузи”, “Туркистон”, рўзномалари, “Синфдош”, “Ёш куч”, “Ғунча”, “Гулхан” журналларининг ҳамкорликги натижасида кейинги йилларда тўғаракларимиздаги иқтидорли ўқувчи-ёшлар фаолияти кенг ёритиб борилмоқда. Техник тўғаракларда ўқувчи – ёшларни техник моделлаштириш ва конструкциялашга жалб этиш алоҳида ўрин тутати. Улар ўқувчиларнинг атроф- муҳит, машиналар, механизмлар, уларнинг халқ хўжалигида фойдаланиши ҳақидаги билимларини кенгайтиришга имкон яратилади.

Варрақлар байрами 2002 йил ташқил килинган бўлиб, хар йили давом этиб анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда.

Марказимиз 20 йилдан, буён яъни 1984 йилдан буён кино-фото соҳасига қизиқувчи ўқувчиларни йиғиб, кино-фото анжуманини ташқил килиб келмоқда. 12 йилдан яъни 1993 йилдан буён анжуман “Кино-фото хаваскорлар” анжумани, 2003 йилдан буён эса

Республика микёсидаги “Сехрли ёгду” кино-фото фестивали деб номланиб давом эттирилиб келиняпти.

Анжуманда аввал кино ва фотолар оқ-қора рангли тасвирда бўлган бўлса, 1990 йилдан буён видеофильмлар цифравой дискларда, сурат ва фильмлар рангли тасвирларда ўқувчилар томонидан ишланиб фестивалга такдим этилмокда.

Спорт йўналишларига оид : авиамодел, автомодел, ракетомодел, кемасозлик, автокўпкураш, картинг тўгараклари, шу билан биргаликда болаларга касб-хунар ўргатиш мақсадида миллий услубдаги тикиш, техник тўқиш, бисер тикиш, зардўзлик, миллий хунармандчилик, дурадгорлик тўгараклари фаолият кўрсатмокда. Марказда янги йўналишдаги тўгараклар ҳам очилган бўлиб, ЭХМ ва дастурлаш, инглиз тили, форс тили, «Нихол» видео студияси, техник атамалар тўгараклари фаолият кўрсатмокда.

6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш мақсадида уларга “Алифбо”, математика, бошлангич техник моделлаштириш ва ЭХМ бўйича дастлабки билимлар берилмокда.

Марказда Республика микёсидаги мактабдан ташқари ишларнинг марказий мониторинги хонаси, услубий-ахборот маркази, ташкилий-оммавий ва спорт техника бўлимлари фаолият кўрсатмокда.

Марказимиз мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларининг техник тўгарак раҳбарларига, ташкилотчиларига бошлангич синф ўқитувчилари, меҳнат ўқитувчиларига услубий ёрдам бериш мақсадида амалий кенгашлар, туманларга чиқувчи амалий маслаҳатлар режа асосида вилоят услубий кенгашлари, турли –ҳил янги педагогик технологиялар асосида тренинглар ўтказиб боради.

Республика ўқувчилар техник ижодиёт Марказларидаги тўгаракларда шуғулланаётган ўқувчиларнинг 12% кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидир. Марказ шахобчаларидаги тўгаракларга 120 дан зиёд ногирон болалар ҳам жалб этилган.

Меҳрибонлик уйларида 5- йўналишдаги 13 та янги тўгараклар очилган, бу тўгаракларда 200 нафар ўқувчилар шуғулланмокдалар.

Тўгараклардаги тарбияси оғир болалар билан алоҳида ўқув семинарлари давра суҳбатлари режа асосида ўтказилиб келинмокда, шу билан бирга кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз кексалар ва меҳнат фахрийларини маънавий ва моддий қўллаб – қувватлаш мақсадида учрашувлар ташкил этилиб уларга моддий ёрдам кўрсатилиб келинмокда.

Марказда маънавий-маърифий ишлар кенг йўлга кўйилган.

Республика ўқувчилар техник ижодиёт Марказининг услубий-ахборот маркази томонидан Республикадаги техник ижодиёт Марказларини услубий жихатдан таъминлаш мақсадида турли йўналишдаги тўгарак дастурлари ва услубий ва методик қўлланмалар, тавсиялар ишлаб чиқиб жойларга етказилади.

Шу билан бирга йил давомида турли хил оммавий тадбирлар ўтказиб борилади: “Очк эшиклар”, куни “Наврўз” байрами, 9 май “Хотира ва кадрлаш” куни, 8 март “Халқаро хотин-қизлар” кунларига бағишлаб турли хил кечалар, “Иқтидорли болалар” семинарлари, Кино-фото танловлари, “Йўл харакат хавфсизлиги”, “Қонун доимо устувор бўлсин”, мавзуларида мутахассислар билан учрашувлар, тўгараклараро ва маҳаллалараро спорт ва техникага оид танловлар ўтказилмокда.

Спортнинг техник тури йўналишидаги тўгаракларда болалар Ракета, автомодел, кема, моделларини ясайдилар ва турли хил халқаро мусобакаларда иштирок этиб совринли ўринларни эгаллаб келишмокда. Ўтган 10 йил мобайнида марказ спортнинг техник тури бўйича 40 дан зиёд Ўзбекистон чемпеонларини тайёрлаб берди.

2004 йилдан буён шахар микёсидаги “Трассали автомодел “ мусобақаси ҳам ўтказилиб келинмокда.

Ўтказилган тадбирларда қатнашиб совринли ўринларни эгаллаган катнашчилар Республика ўқувчилар техник ижодиёт Марказининг “Иқтидор банк ” назоратида бўладилар.

“Иктидор банк” рўйхатидаги ўқувчи-ёшлар ҳақидаги баъзи бир маълумотларни келтирамиз.

Ўтаганов Чори – Сурхондарё вилояти Шерабод туманидан. 43 – мактаб ўқувчиси. 1998 йил “Кино-фото” фестивалида қатнашиб ғолибли ўринни эгаллаган.

Нурмуродов Жаҳонгир – Тошкент шаҳри Хамза туманидан. 1998 йил ўтказилган “Иктидорли болалар анжуманинг” “Тадбиркорлик” шуъбасида катнашиб, совринли ўринни эгаллаган.

Бекматов Андрей – Тошкент шаҳри Бектемир туманидан. 1999 йил ўтказилган “Иктидорли болалар анжуманинг” “Ёш ихтирочи” шуъбасида катнашиб совринли ўринни эгаллаган.

Курбонов Улуғбек – Бухоро шаҳридан “Ижодкор-ихтирочи болалар кўргазмаси”, “Авиомодел” мусобақаси ғолиби бўлган.

Имяминов Азмиддин – Андижон вилоятидан. 1998 йил “Ижодкор ихтирочи болалар кўргазмаси” да катнашиб совринли ўринни эгаллаган.

Ахмедов Алишер – Андижон вилоятидан. 1998 йил “Автомодел” мусобақасида 2 ўринни эгаллаган.

Авиомодел мусобақаси бўйича 1999 йилда Тошкент шаҳрида Осиё биринчилиги ўтказилиб, Ўзбекистон жамоасининг сараланган гуруҳи аъзолари биринчи ўринни эгалладилар.

2000 йил Белгия шаҳрида “Кемасозлик” бўйича Жаҳон чемпионати ўтказилди. Бу чемпионатда Ўзбекистон жамоаси ҳам иштирок этган ва Тошкент шаҳридан Б.Разуновский 1- ўрин олтин медали билан, Ш.Исматуллаев Бронза медали билан, Андижон шаҳридан Н.Ҳакимзянов 3- ўрин соҳиби бўлишди.

Самарканд вилоятидан Н.Жуков, Кашкадарё вилоятидан А.Каримов, Тошкент вилоятидан В.Тимашевлар қатнашиб келмокдалар.

Республика шарафини ҳимоя этган бу кишилар марказларнинг собиқ тарбияланувчилари ҳозирги кунда ўз билим маҳоратларини ёшларга бериб келаётган устоз-педогоглардир. Буларнинг ўрнини йиллар ўтиши билан ҳозирги кунда тўғарақларда тарбияланаётган ва кўплаб Республикадаги ўз тенгдошлари орасида тадбирларда иштирок этганлар янада юқори поғоналарни эгаллашлари шак -шубҳасиздир.

ҳар ўқув йилининг охирида яқуний тадбир сифатида Тошкент вилоятининг “Меҳржон” оромгоҳида Ёзги “Агроистеъдод” мактаби 1998 йилдан буён ташкил қилиниб келинмокда.

Мактабга жами 60 нафар ўқувчи аъзо бўлиб, шулардан Республика миқёсидаги тадбирларда: “Ижодкор-ихтирочи” болалар танлови, “Истиклол чечаклари” кўрик-танловида совринли ўринларни эгаллаган ғолиб ўқувчилар, Тошкент вилояти, Янги йўл шаҳри 16-мактаб маҳсус синф ўқувчилари ва Республика техник ижодиёт Марказидан иктидорли ўқувчилар ҳар йили мактаб аъзоси бўлиб иштирок этмокдалар.

Юқорида санаб ўтилган тадбирларда катнашган ғолиб ўқувчиларга “Фаҳрий ёрликлар” ва эсталик совғалари, ҳар бир иштирокчига эса тадбирларда иштирок этганлиги бўйича гувоҳномалар топширилади.

Республика ўқувчилар техник ижодиёт Маркази яна шу билан ҳам машҳурки, унда техник ижодиётга Қизиққан, фидоий кишилар ишлашади. Уларнинг кўпчилиги эса Марказнинг собиқ тарбияланувчиларидир.

Мана инсонларнинг шарафли меҳнатлари туфайли Марказ юқори натижаларга эришиб келмокда.

Республика ёшларини соғлом фикрли, ижодкор, янгиликка интилувчан, ихтирочи этиб тарбиялашда Республикамиздаги техник ижодиёт Марказларининг ҳиссаси каттадир. 2005-2006 ўқув йилида Республика ўқувчилар техник ижодиёт Марказида тўғарақлар камровини кенгайтириш ва болалар сонини ошириш мақсадида маҳалла гузарлари, мактаб ва меҳрибонлик уйларидаги ва марказ қошидаги тўғарақлар сони 100 нафарга ва ўқувчилар сони 1000 дан зиёдга етказиш кўзда тутилмокда. Уларнинг мазмун-моҳияти ва

мундарижаси давлат талаблари даражасида ташкил этилишига асосий эътибор қаратилади.

Марказдаги ҳар бир тўғарак раҳбари мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш дастури билан танишиб ва ўрганиб чиққан ҳолда ўз йўналиши бўйича тўғарак шарт-шароитларидан келиб чиқиб ўқувчи-ёшлар ҳошиш ва истаклари асосида ўз дастурини ишлаб чиқди ва келгусида бир қанча ижобий ишларни амалга ошириш режалаштирган.

Туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликдаги ишлар янги ўқув йилида ҳам давом эттирилади. Улар билан тузилган шартнома ва иш режаси асосида ноқобил оилаларнинг қаровсиз болаларини тўғаракларга жалб этиш, уларнинг оилавий аҳволини ўрганиш, дастур доирасида вояга этмаганлар бўйича олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Тўғарак раҳбарлари томонидан тўғаракларга жалб этилган ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари аниқланди ва ўқув йили давомида уларга алоҳида эътибор бериб бориш кўзда тутилган.

Марказ хамиша раҳбариятнинг моддий ва маънавий кўмаги остида фаолият юритиб келмоқда. Биргина сўнги икки йил мисолида олайлик.

2004 йилда марказга жами 3 588 338 сўм ажратилган бўлиб, марказ моддий-техник базасини бойитиш мақсадида қуйидагиларга сарфланди:

ПЕНТИУМ – 4 русумли комьпьютер - 1 394 338 сўм.

Кутубхона фонддини бойитиш мақсадида янги адабиётлар учун - 100 000 сўм.

Марказдаги бўлим ва тўғаракларда фойдаланиш учун ўқув қуроллари учун – 710 000 сўм

Марказда ташкил этилган “Ниҳол” видеостудиясини апаратура ва бошқа жихозлар билан таъминлаш учун – 237 000 сўм.

Техник тўғараклар ва миллий хунармандчилик тўғаракларини асбоб ускуналар билан таъминлаш мақсадида – 305 000 сўм,

“Автомодель” тўғараги учун “АВТОНАБОР”лар учун – 599 000 сўм.

Марказ тўғарак хоналари ва бўлимлар учун биринчи ёрдам кўрсатиш мақсадида дори дармонлар – 42 000 сўм.

Марказимиз томонидан чиқариладиган тўғарак раҳбарлари ва педогог ходимлар учун мўлжалланган дастур ва қўлланмаларни китобча шаклида тайёрлаш учун “ПЕРЕПЛЁТ” мосламаси учун – 201 000 сўм

2005 йилда марказга жами 7 589 000 сўм ажратилган бўлиб, марказдаги тўғаракларнинг моддий-техник базасини бойитиш мақсадида қуйидагиларга сарфланди:

Кутубхона фонддини бойитиш мақсадида янги адабиётлар учун-146000 сўм.

Марказдаги тўғаракларда фойдаланиш учун ўқув қуроллари -724 000 сўм.

Марказда ташкил этилган “Ниҳол” видеостудиясини апаратура ва бошқа жихозлар билан таъминлаш учун-502. 000 сўм.

Техник тўғараклар ва миллий хунармандчилик тўғаракларини асбоб ускуналар билан таъминлаш мақсадида-250. 000 сўм

Тўғаракларга биринчи ёрдам кўрсатиш мақсадида дори дармонлар учун-30 000 сўм.

Ўқув йилига тўғарак хоналари ва бўлимларни, Марказ файесини жорий таъмирлаш мақсадида қурилиш моллари учун – 400 000 сўм

Марказ биноси йўлаклари ва хоналарини ёритиш мақсадида лампа ва электор жихозлари учун – 137 000 сўм .

Марказдаги кампьютер синфини эхтиёт қисмлари билан таъминлаш мақсадида – 150 000 сўм

Янги 2006 йилни кириб келиши муносабати билан арча ва арча ўйинчоқлари учун 250 000 сўм .

Бинони капитал таъмирлаш учун- 5 000 000 сўм ажратилган ва сарфланган.

Марказнинг барча ходимлари сони- 66 нафар.

Бу ходимларнинг 41 нафари педогог ходимлар бўлиб, 19 нафари олий маълумотга, 15 нафари ўрта махсус маълумотга ва 6 нафари ўрта маълумотга эга. Техник ходимлар сони эса 25 нафарни ташкил этади.

Республика бўйича ва марказда фаолият кўрсатаётган қуйидаги тўғарак раҳбарларининг ишлари оммалаштирилган:

- 1) Холназарова М - “Компьютер сабоқлари” тўғараги раҳбари.
- 2) В.Григорьев- Самарқанд вилояти “Моторсозлаш” тўғараги раҳбари
- 3) А.Жўраев- Наманган вилояти “ Қишлоқ хўжалиги техникаси” тўғараги раҳбари.
- 4) Азимова У- “Қизиқарли математика” тўғараги раҳбари.

Тузувчилар

З.ҚОДИРОВА